



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

**Марказий банк асосий ставкасини
кўриб чиқиш бўйича
Пул-кредит сиёсати таҳлили**

Бошқарув йиғилиши

2020 йил 23 июль






ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ

ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ


Инфляция

йиллик кўрсаткич, фоизда




Инфляция прогнози

йиллик кўрсаткич, фоизда




Инфляция кўрсаткичлари

йиллик кўрсаткич, фоизда




Ярим йиллик ва ойлик инфляция

йил бошига нисбатан, фоизда



ўтган ойга нисбатан, фоизда



■ Озиқ-овқат маҳсулотлари

■ Ноозиқ-овқат маҳсулотлари

■ Хизматлар


● ИНИ

Асосий истеъмол нархлари ўзгариши

	2019			2020		
	1-чорак	2-чорак	январь-июнь	1-чорак	2-чорак	январь-июнь
Умумий инфляция	4.3	1.2	5.6	2.8	1.8	4.6
Буғдой уни	2.2	1.4	3.6	2.9	8.2	11.3
Макарон	7.9	2.5	10.6	1.9	8.9	11.0
Гречка	2.6	0.8	3.4	6.6	53.6	63.7
Мол гўшти	2.2	2.1	4.3	4.8	2.8	7.7
Қўй гўшти	1.7	3.0	4.8	6.2	3.9	10.3
Парранда гўшти	1.2	-4.2	-3.1	-1.2	4.3	3.0
Сут	11.6	1.0	12.7	3.8	4.1	8.1
Тухум	-0.1	-5.5	-5.6	-2.8	11.2	8.1
Кунгабоқар мойи	1.2	0.3	1.5	2.4	4.1	6.6
Олма	13.6	-2.5	10.8	23.5	2.3	26.4
Пиёз	10.8	91.9	112.6	11.3	-34.5	-27.1
Сабзи	11.6	19.3	33.1	-0.1	19.3	19.2
Картошка	1.3	-5.4	-4.2	19.0	16.2	38.3
Бодринг	14.6	-86.4	-84.4	15.4	-80.2	-77.1
Помидор	44.6	-70.6	-57.5	26.7	-77.2	-71.1
Шакар	1.9	2.1	4.0	1.3	2.8	4.1
Дори-дармонлар	0.5	1.6	2.1	1.6	6.1	7.8
Антисептик воситалар	0.5	1.2	1.7	2.9	11.3	14.5
Хўжалик совуни	8.8	3.9	13.0	1.4	4.9	6.4
Кир ювиш кукуни	11.9	0.4	12.3	2.3	3.9	6.3
Тайёр овқатларни етказиб бериш хизмати	-	-	-	0.0	2.8	2.8


**Охирги 12 ой давомида сезилган
инфляция**

фоизда




**Аҳоли томонидан нархлари юқори даражада
ошган деб қайд этилган маҳсулотлар**

респондентлар улуши, фоизда




**Келгуси 12 ой учун инфляцион
кутилмалар**

фоизда




**Аҳоли томонидан қайд этилган келгусида
нархлар ошишига таъсир этувчи омиллар**
респондентлар улуши, фоизда



Базавий инфляция

йиллик кўрсаткич, фоизда




Базавий инфляциянинг асосий драйверлари:

- Иқтисодиётни кредитлаш суръати тезлашиши (январь-июнда - 18,2%);
- Пул массаси кўпайиши – (январь-июнда - 12,3%);
- Фискал рағбатлантиришнинг кучайиши (II чорак давомида);
- Пандемиянинг логистика ва транспорт хизматларига салбий таъсири.

ТАШҚИ ВА ИЧКИ ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР

ХВЖ: “Мислсиз инқироз, тикланишнинг ноаниқлиги”



- ХВЖ июнь ойида глобал иқтисодий ўсиш бўйича прогнозларини янгилади: 2020 йил учун глобал иқтисодий ўсиш апрель ойидаги **-3,0 фоизлик** прогноздан **-4,9 фоизгача** пасайтирилди;
- Глобал иқтисодиётда “ижтимоий масофаланиш” 2020 йил охиригача давом этиши ва **2021 йилдаги тикланиш** апрелдаги прогнозга нисбатан секинроқ бўлиши кутилмоқда.

Глобал иқтисодий прогноз омиллари

Пандемия ҳолатининг
аксарият давлатларда
кескин ёмонлашуви
(инфекция тарқалиши)

I чорақда айрим
давлатларда кутилганидан
кўра пастроқ даражадаги
иқтисодий ўсиш (Хитой,
Ҳиндистон, Германия,
Япония ва бошқалар.)

Ялпи истеъмолнинг
сезиларли қисқариши ва
хизматлар соҳасига бўлган
талабнинг жуда пастлиги


Инсон капитали
ҳаракатининг кескин
қисқарганлиги ва
тикланиши бўйича
кутилмаларнинг пастлиги

Глобал меҳнат бозоридаги
чукур инқироз (2020 йил I
чорақда 130 млн. иш ўрни
қисқарганлиги ва II
чорақда яна 300 млн.лик
қисқариш кутилаётганлиги)


Халқаро савдонинг
қисқариши (I чорақда
йиллик 3,5 фоизга):
талабнинг пастлиги, савдо
чекловлари ва бошқалар.

Тўлов баланси

Экспорт




Импорт



- Экспорти** ҳажми 2020 йилнинг дастлабки ярим йиллигига **6,3 млрд. долларни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **22,6 фоизга (1,8 млрд. долларга)** кам бўлди.
- Мамлакатимизга **импорт** ҳажми эса жорий йилнинг январь-июнь ойларида **9,6 млрд. долларни** ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **15 фоизга (1,7 млрд. долларга)** камайди.

Трансчегаравий пул ўтказмалари


Трансчегаравий пул ўтказмалари
ҳажми (млн. долл.)




- 2020 йилнинг I ярим йиллигига мамлакатимизга трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми **2,4 млрд. долларни ташкил этиб**, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **156 млн. долларга ёки 6 фоизга қисқарди**.

Ялпи ички маҳсулот

Иқтисодиёт соҳаларида яратилган ЯИМ
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, фоизда)



ЯИМ ўсиши ва прогнози (фоизда)




- 2020 йил I ярим йиллигига ЯИМ **255 трлн.** сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,2 фоизга** ортиқни ташкил этди.
- Бунда, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш 2019 йил I ярим йиллигига нисбатан **2,8 фоизга**, қурилиш ишлари **7,3 фоизга** ортган бўлиб, саноат ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаларида мос равишда **1,9 ва 0,7 фоизга** камайган.
- ЯИМнинг йиллик ўсиши 2020 йилда **1,5-2,0 фоизгача** секинлашиши ва 2021 йилда **6,5-7,0 фоизлик** ўсишгача қайта тикланиши прогноз қилинмоқда.

Аҳоли даромадлари сўровномаси




Уй хўжаликларининг ўртacha ойлик даромадлари



ПУЛ-КРЕДИТ ШАРОИТЛАРИ

Депозит ва кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалар




Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалар




- Иқтисодиётда **нисбатан қатъий** пул-кредит шароитлари сақланиб қолмоқда. 14 апрелдаги Бошқарув йиғилишида асосий ставка **1 фоиз бандга** пасайтирилган бўлса ҳам, муддатли депозитлар бўйича **ижобий реал фоиз ставкалар** шаклланмоқда.
- Миллий валюгадаги юридик шахслар депозитлари бўйича фоиз ставкалар **17 фоиз**, жисмоний шахсларники бўйича **20 фоиз** атрофида барқарор шаклланган бўлса, миллий валюгадаги кредитлар бўйича фоиз ставкалар пасайиб бормоқда (**январьдаги 25,8 фоиздан июнда 23,7 фоизгача**).

Иқтисодиётга кредит қўйилмалари




- 2020 йилнинг I ярим йиллигига иқтисодиётга кредит қўйилмалари **18,2 фоизга ёки 38 трлн. сўмга ошди.**
- Бунда:
 - Жисмоний шахсларга берилган кредитлар: **18,7 фоизга ёки 7,5 трлн. сўмга;**
 - Юридик шахсларга миллий валютада берилган кредитлар: **10,6 фоизга ёки 7,9 трлн. сўмга;**
 - Хорижий валютадаги кредитлар (валюта курси ўзгаришисиз): **1,6 млрд. долларга ёки 16,0 фоизга кўпайди.**

Пул массаси




- 2020 йилнинг I ярим йиллигида умумий пул массаси **12,3 фоизга ёки 11,2 трлн. сўмга ошди:**
 - Муомаладаги нақд пуллар: **4,2 трлн. сўмга ёки 17,3 фоизга** (нақд пенсия тўловлари ҳамда аҳоли томонидан ПҚдаги пулларнинг нақдлаштирилиши);
 - Миллий валютадаги депозитлар: **12,1 фоизга ёки 4,7 трлн. сўмга;**
 - Хорижий валютадаги депозитлар (валюта курси ўзгаришисиз): **39 млн. долларга ёки 1,3 фоизга кўпайди.**

Банклараро пул бозори




— Банклараро пул бозори операциялари ҳажми (млрд. сўм)
— Депозитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси (%, ўнг шкала)



— Банклараро пул бозори операциялари ҳажми (млрд. сўм)
— 14 кунгача бўлган депозитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси (%, ўнг шкала)

- Июнда ликвидликнинг ортиши билан операциялар ҳажмининг қисқариши кузатилди;
- **14 кунгача бўлган депозитлар фоиз ставкаси айrim тебранишлар билан фоиз коридори доирасига бўлди;**
- Узоқ муддатли ресурсларга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли **30 кунгача ва ундан ортиқ муддатли** депозитлар бўйича фоиз ставкалар нисбатан юқори.

Банклараро пул бозори фоиз ставкалари



- Узоқроқ муддатли ликвидликка бўлган талабнинг юқорилиги ва таклифнинг камлиги;
- Фоиз ставкаларнинг ўсиш тенденциясига эга эканлиги;
- Пул бозорида банкларнинг нофаол иштироки.

2020 йил охирига қадар инфляцияга таъсир этувчи омиллар

Оширувчи омиллар:

- 
- Пандемия таъсири ва карантин чораларини янада узоқроқ муддатга давом этиши;
 - Товар етказиб бериш логистикаси билан боғлиқ масалалар ва транспорт хизмати таклифи чекланганлиги;
 - Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда мева ва сабзавотларга талаб юқорилигича сақланиб қолиши;
 - Фискал рағбатлантириш, кредитлаш ҳажмлари ва пул массаси ўсиши таъсирлари;
 - Карантин шароитида асосий савдо ҳамкор давлатларда иқтисодий тикланиш жараёнини узоқ давом этиши ҳамда жаҳон иқтисодиётидаги ноаниқликлар юқорилиги;
 - Бизнес вакилларининг янги иқтисодий шароитларга мослашиш даври ва даражаси бўйича ноаниқликлар.

2020 йил охирига қадар инфляцияга таъсир этувчи омиллар

Пасайтирувчи омиллар:

- 
- Тартибга солинадиган нархлар ўзгаришсиз сақланиб қолиниши (*энергия ресурслари ва коммунал хизматлар, жамоат транспорти ва бошқалар*);
 - Манфий ЯИМ тафовутини сақланиб қолиши;
 - Аксарият муҳим бўлмаган ноозиқ овқат маҳсулотларига талаб паст даражада сақланиб қолиниши;
 - Аҳоли даромадларида ўсиш кутилмаётганлиги ва харажатларини тартибли амалга оширилиши;
 - Май ойида автомобил ёқилғи нархлари пасайганлиги;
 - 2019 йилги тартибга солинадиган нархлар таъсири тугаб бориши -августда энергия ресурслари нархлари - 1.4 ф.б., -I/V чоракда буғдой уни ва нон маҳсулотлари нархлари - 0.9 ф.б.